**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

2022 йил “24” Январь № 14-3685/3100 - СОН

Тўрткўл тумани

Бир тараф **“Ўзбектелеком”** акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда– **Компания**) номидан 2022 йил 24-январдаги № 8-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи **"Ўзбектелеком" АК ҚР филиали Турткул РУТ** директори **Ж.Сейбуллаев** (кейинги ўринларда – **Оператор**) иккинчи тараф Тўрткўл тумани Молия бўлими номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ж.Латипов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Оператор "Ўзбектелеком" АК ҚР филиали Тўрткўл РУТ директори Ж.Сейбуллаев, Абонент Тўрткўл тумани Молия бўлимига телекоммуникация хизматларини кўрсатиш мажбуриятини олади.

1.2. Абанент оператор томонидан кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Тарафлар ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.4. Хизмат кўрсатиш шартлари Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

## II. ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1.Оператор томонидан Абанентга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда ва даврларда амалга оширилади;

2.2.Абанент оператор томонидан кўрсатилган телекоммуникация хизматларини шартнома шартларида белгиланган тартибда қабул қилади.

## III.ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ- КИТОБ ТАРТИБИ

3.1.Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) **1080000 (Бир миллион сакксан минг)** сўмни ташкил этади.

3.2. Ушбу сумма **1080000 (Бир миллион сакксан минг)** сўм миқдоридаги Абонент тўлови 0.0 миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.3. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди;

3.4.Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартномада кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин;

3.5. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди;

3.6. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак;

3.7. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайд;

3.8. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат

тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади;

3.9. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

## IV.ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1.Операторнинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартнома шартларига мувофиқ белгиланган муддатларда абонентга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш;

б) кўрсатиладиган телекоммуникация хизматларнинг сифатини шартномада белгиланган талабларга ва амалдаги стандартларга ва нормативларга мувофиқ бўлишини таъминлаш;

в) хизмат кўрсатиш жараёнида шартнома шартлари ва стандартлар ҳамда нормативлардан чекинишга йўл қўйилганида аниқланган барча камчиликлар абонент талаби билан ўз ҳисобидан бартараф этиш.

4.2.Операторнинг ҳуқуқлари:

а) Абонентдан кўрсатилган телекоммуникация хизматлар учун тўловни ўз вақтида амалга оширишини талаб қилиш;

б) Абонент томонидан кўрсатилган телекоммуникация хизматлари кўрсатиш шартномаси шартнларини шартномага мувофиқ ва лозим даражада бажаришини талаб қилиш.

в) Абонент телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномасини лозим даражада бажарилишини таъминламаганида низоларни ҳал қилиш учун судларга мурожжат қилиш.

4.3.Абонентнинг мажбуриятлари:

а) мазкур шартнома шартларига мувофиқ белгиланган муддатларда операторга кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

4.4.Абонентнинг ҳуқуқлари:

а)Оператордан кўрсатилган телекоммуникация хизматларини сифатли ва стандартлар ҳамда нормаларга мувофиқ амалга оширишини талаб қилиш;

б) Оператор телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартномасини лозим даражада бажарилишини таъминламаганида низоларни ҳал қилиш учун судларга мурожжат қилиш.

## V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1.Мажбуриятлар тарафлар томонидан мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига маувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агарда тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласалар шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

## VI.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Оператор телекоммуникация хизматини кўрсатишни кечиктирган ёки тўлиқ бажармаган тақдирида Абанентга кечиктирган хизматларнинг ҳар бир куни учун мажбуриятни бажармаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди,бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатиладиган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.2.Абонент шартномага мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун операторга ўз вақтида ҳақ тўламаганида кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилган ҳар бир куни учун тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди,бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.3.Агар шартномага мувофиқ кўрсатилган хизматлар сифати стандартлар ҳамда нормаларга мос келмаса, Абонент хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб,

Оператордан сифати стандартлар ҳамда нормаларга лозим даражада мос бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

## VII.ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИНИШИ

7.1.Тарафларнинг бири шартномани форс-мажор ҳолатлар яъни енгиб бўлмайдиган куч(фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва боқада табиий офтлар)туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласалар жавобгар бўлмайди.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ТАРТИБИ

8.1.Тарафлар ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолар ва келишмовчиликларни Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қиладилар;

8.2.Тарафлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув йўли орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Беруний туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга** қадар амал қилади.

9.2.Шартеома тарафларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади.Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.3.Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| | |
|---|---|
| **ОПЕРАТОР:**<br>**"Ўзбектелеком" АК**<br>**КоракалпогистонРеспубликасыфилиалиТурткул РУТ**<br>Манзил: _Турткул тумани. Турткул кучаси №51-уй<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 20210000904074838139<br>СТИР:203366731<br>МФО: 00623 , АТБ "Алокабанк" ОКЭД:52300<br>Тел:(61) 532 1344 (61) 532-4424_; факс (61) 532-5<br>E-mail: | **АБОНЕНТ:**Турткул туман Ирригация булими<br>Манзил: 231200.Навойи кучаси 44-уй,<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 23 402 000 300 100 001 010<br>ш/х/р:10022860352337042402170001<br>СТИР: 207263074<br>МФО: 00014<br>Банк номи: Тошкент ш.. Марказий банк Тошкентш.ХККМ<br>Тел: (61)-532-20-22<br>E-mail: |
| Оператор номидан:<br>_________ **Ж.Сейбуллаев**<br>имзо/ | Абонент номидан:<br>_________ **А.Кадиров** |

**Приложение №____**

**Абонентскому договору №14-3685/3166от __24_/_01_ _/2022**

**АКТ**

**Работы выполнены на основании договора по оказаню услуг телекоммуникации от _____/_____ 2022г**

| № | | | Отметка о выполнении |
|---|---|---|---|
| 1 | Регистрация и подключение (с выходом/без выхода в Интернет) в г. АТС-_________ со скоростью _________Кб/с | **Дата вывода в эксплутаци** | |
| 2 | Выделен логин: ______________<br>Выделен IPadress: ______________<br>Выделен тел номер: ______________ | ______________<br>______________<br>______________ | ______<br>______<br>______ |

**Приемки работ и тестирования выделенного соеденения**

Перечень абонентского оборудования,
передаваемого оператором абоненту для организации соединения

| № | Наименование оборудовании (программного обеспечения | Кол-во | серийный кол или заводской номер | Балансовая стоимость, сум |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

**Оператор"** **"Абонент"**

**АК "Узбектелеком"филиал в Республике Каракалпакстан Турткуль РУТ** **Турткульский районний Ирригаций отдел**

**Директор______________________/Ж.Сейбуллаев/** **Руководитель______________________/А.Кадиров/**

**м.п. м.п**

**Приложение №____**
**Договор.№ ____________от ___/___/2022**

**Предоставляемые услуги**

**1. Перечень услуг и тарифы на них**

*Единица измерения Национальная валюта –Сум*

| № | наименованиеуслуг | цена (стоимость) включая НДС | обоснование | кол-во | сумма , включая с НДС, сум |
|---|---|---|---|---|---|

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|
| | **I. Единовременные (разовые) платежи** | | | | |
| 1.1 | Регистрация и подключение выделенных (постоянных) IP-соединений, включая проектирование, монтаж, программирование, приемку в эксплуатацию при соединении на Ethernet порту, за аборудование ADSL-модем | ______________ | Прейскурант | | |
| | **II. Ежемесячныеплатежи** | | | | |
| | | | | | |
| | Доступ к Национальной сети передачи данных (Интернет) со скоростьюсоединения**10-Мб/с**<br>**1)VPN10-Мб/с** | | | | |
| 2.1 | Абон.плата за подключение со скоростью10-Мб/с | 360000 | Прейскурант | 3 | **1080000** |
| 2.2 | Цена 1 Mb сверхлимита с 09:00:00 по 23:00:00 | _ | Прейскурант | - | _ |
| 2.3 | Цена 1 Mb сверхлимита с 23:00:00 по 09:00:00 | _ | Прейскурант | - | _ |
| | **Всего (предоплата)** | | | | **1080000** |

**Всего:1080000 (Бир миллион саккиз минг)сўм**
**том числе НДС 1080000 (Бир миллион саккиз минг)сўм**

**Сумма Договора составляет с учетом НДС________________________________ (_____________________________________________)сум, Ежемесячная абонентскую плату _____________________________________________(____________________________)сум.**
**Регистрационная плату в размере________________ (______________________________)сум.**
**В случае превышения суммы договора размер суммы превышения будет оплачен ежемесячно.**

**Оператор"** | **"Абонент"**

**АК "Узбектелеком"филиал в Республике Каракалпакстан Турткуль РУТ**

**Турткульский районнийФинансовий отдел**

Директор ______________/Ж.Сейбуллаев/

Руководитель ______________/А.Кадиров /

м.п. м.п.